

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**389 Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам касб-
ларига қўйиладиган малака талабларига ўзгартириш-
лар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2592-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-
ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июл-
даги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга
қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режа-
ларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг
2014 йил 26 майдаги 1-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2592, 2014 йил 3 июнь)
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 23-сон,
280-модда) билан тасдиқланган Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам
касбларига қўйиладиган малака талабларига иловага мувофиқ ўзгартириш-
лар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Вазир

М. ХОДЖИМАТОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 24 июль,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси
маданият ва спорт ишлари вазирининг
2014 йил 24 июлдаги 2-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам касбларига
қўйиладиган малака талабларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«**тренер** — тегишли рухсатномага эга, ўқув-машқ машғулотлари ва омма-
вий жисмоний тарбия тадбирлари ўтказилишини таъминловчи ҳамда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

спорт натижаларига эришиш мақсадида мусобақа фаолиятига раҳбарлик қилувчи жисмоний шахс;».

2. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Спорт тури бўйича тренер ва тренер-ўқитувчи жисмоний тарбия бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотига, тренер-инструктор эса, жисмоний-тарбия ва спорт соҳаси бўйича етарли билим ва амалий тажрибага эга бўлиши лозим. Тренер ва тренер-ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия маълумотига эга бўлишлари талаб этилмайдиган спорт турлари рўйхатида (рўйхат рақами 2559, 2014 йил 5 февраль) белгиланган спорт турлари бўйича тренер ва тренер-ўқитувчилар бундан мустасно.

Тренер Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июлдаги 214-сонли «Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлиши лозим.».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2014 йил 22 июль

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2014 йил 22 июль

*Ўзбекистон Мудофаасига
қўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкилоти Марказий Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2014 йил 22 июль